



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## ШОХИЯТ

**Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдевори-ни, фаровон ҳаёт асосини қуриш де-макдир.**

Ислом КАРИМОВ

## ЯПОНИЯНИНГ ФУКУСИМА ПРЕФЕКТУРАСИ АҲОЛИСИ НОМИДАН МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Япониянинг Фукусима префектураси губернатори Юхей Сатонинг миннатдорлик мактуби келди. Мақтубда 2011 йил 11 март куни юз берган табиий офат оқибатида талафот кўрган Япониянинг мазкур минтақаси аҳолисига Ўзбекистон томонидан изҳор этилган чуқур ҳамдардлик ва кўрсатилган гуманитар ёрдам учун миннатдорлик билдирилган.

Юхей Сато — Ўзбекистоннинг самимий дўсти. У икки марта — 1999 ва 2001 йилларда мамлакатимизга ташриф буюрган. Фукусима префектураси губернаторининг мактубида шундай дейилади:

**«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!

Сизга Япониянинг шарқда рўй берган zilzila муносабати билан самимий қўллаб-қувватлаганингиз ва Ўзбекистон халқи номидан чуқур ҳамдардлик билдириб йўللган мактубингиз учун Фукусима префектураси аҳолиси номидан миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Вайронагарчиларга сабаб бўлган ер силкиниши ва цунами нафақат префектурамизга катта зарар етказди, балки «Фукусима-1» атом электр станциясида ушбу ҳудуддаги қўллаб аҳолининг эвакуация қилинишига олиб келган аварияни келтириб чиқарди.

Ҳозир Япония халқи ўзининг барча сазъи-ҳаракатларини атом электр станциясидаги авария билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратмоқда. Мамлакатимизнинг барча аҳолиси мисли кўрилмаган табиий офат оқибатларини бартараф этиш йўлида янада жипслашди ва ўзбек халқининг самимий қўллаб-қувватлаши ёрдамида табиий офат оқибатида вайрон бўлган ҳудудларни тикламоқда.

Биз табиий офатдан кейин мамлакатимизни тиклашга ва префектурани қайтадан қуришга азму қарор қилганмиз. Биз, шунингдек, янги, хавфсиз Фукусимани барпо этиш йўлида барча куч ва имкониятларимизни ишга солаемиз.

Сизнинг префектурамизга тезда тиклаш борасидаги самимий қўллаб-қувватлашингизни юксак қадрлаймиз ва Яратқандан Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланишини сўраб қоламиз.

Қамоли ахтиром ила, Юхей Сато, Фукусима префектураси губернатори».

Япония халқи бошига тушган оғир мусибат мамлакатимизда ҳеч қимми бефарқ қолдирмади. Президентимиз Ислом Каримов биринчилардан бўлиб 2011 йил 11 март куни бу муҳим фожиа муносабати билан Япония раҳбарияти ва халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этди. Ўзбекистон халқи Япония халқининг қайғусига шерик эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбарияти Япония халқига гуманитар ёрдам юқини жўнатишга қарор қилди ва гуманитар ёрдамнинг асосий қисми табиий офатдан нисбатан кўп зарар кўрган Фукусима префектурасига етказиб берилди.

Халқларимиз ўртасида йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган дўстлик алоқалари бугунги кунда ҳам Ўзбекистон ва Япония, шу жумладан, Фукусима префектураси ўртасидаги самарали муносабатларнинг муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Фаолияти Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги маданий алоқалар ва академик алмушув масалаларига йўналтирилган «Фукусима-Ўзбекистон» дўстлик уюشمаси мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликка яхши мисолдир. Мазкур уюшма томонидан Ўзбекистонлик талабаларнинг Японияда амалиёт ўташи, муסיқий жамоаларнинг концертлари ва бошқа муҳим тадбирлар ташкил этилмоқда.

Фукусима префектурасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик бўйича «Датэ-Ўзбекистон» уюشمаси таъсис этилган ва бу уюшма Фарғона вилояти билан мазкур йўналишда муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Халқимизда дўст қулфатда билинади, деган мақол бор. Шу маънода, Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатга ёрдам халқимизнинг бизга яқин ва дўст Япония халқи қайғуси ва унинг бошига тушган қулатта бефарқ эмаслигидан далolatдир.

«Жаҳон» АА



## Болалари шодон юрт

**Эрталаб одамлар оқимига қўшилиб, шошилганча Тошкент вақзалига йўл олдим. Сабаби бугун Қорақалпоғистон Республикасидан пойтахтимиз оромгоҳига келаётган бир гуруҳ болалар кутиб олинади. Вақзалда Тошкент шаҳар касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси масъул ходимлари, ички ишлар, тиббиёт, йўл-транспорт ходимлари жам бўлишган.**

Фурсатдан фойдаланиб, пойтахтда жойлашган «Гулбахор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Саидмаҳмуд Аъзамовни суҳбатга тортаман.

— Оромгоҳимизга тўрт навбатда 220 нафардан бола қабул қилиш режалаштирилган бўлиб, 1-, 2-, 3-навбатда Қорақалпоғистон Республикасидан келган болаларнинг ҳордиқ чиқариши мўлжалланган, — дейди оромгоҳ раҳбари. — Дам олиш масканимизда барча шароитлар мавжуд. Расм, футбол, волейбол, енгил атлетика каби тўғарак ва секцияларимиз фаолияти йўлга қўйилган. Маъданий-маърифий тадбирлар ҳам режалаштирилган бўлиб, жумладан, қорақалпоқ ёзувчилари билан учрашув, театр томошалари, бундан ташқари, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари: Мустиқлиқ майдони, ҳайвонот боғи, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Шаҳидлар хиббонига сайёҳ уюштирилади. Дарвоқе, икки мингта китоб фондига эга кутубхонамиз ҳам бор. Уйлайманки, юртимиз тарихи ва бугундан сўзла-

гувчи, мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган ҳужжатли филларимиз намойиши ҳам болажонларга манзур бўлади.

## Репортаж

2011 йилнинг ёзги соғломлаштириш мавсумида ҳар йилдагидек, болалар соғлиги, хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш мақсадида ички ишлар органлари ходимларининг навбатчилиги ташкил этилади. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ишлайдиган ҳар бир ходим тиббий кўриқдан ўтказилади. Масъулиятни ҳис қилган ҳолда маълумоти шифокорлар, тажрибали педагог-тарбиячилар, ошпазлар, етакчилар саралаб олинган. — Тошкент шаҳар касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан

тармоқ касабга уюшмалари қошидаги оромгоҳларда тайёргарлик ишлари январь-феврал ойлариданок бошлаб оборилган эди. Мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жуда кўп ишлар амалга оширилди, — дейди Бирлашма кенгаши маънавий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Шаҳодат Тулаганова. — Тадбирлар режаси ҳам ҳар йилдагидан-да кенг қўлаб касб этади. Масалан, бир қатор жамоат ташкилотлари билан биргаликда қизиқарли тадбирлар ўтказиш белгиланган. Биласиз, мактаб ёшида болаларнинг спортга қизиқиши баланд бўлади. Шу боис, спорт мусобақаларини ўтказишга ҳам катта аҳамият берамиз. Умуман, буларнинг ҳаммаси болаларимизнинг қувончига қувонч қўшиш, янги ўқув йилини кўтаринки қайфиятда бошлашларига замин яратади.

Мазлумотларга кўра, мавсумда 43 мингдан зиёд болани соғломлаштириш режалаштирилган бўлиб, шундан 2170 нафарини қорақалпоғистонликлар ташкил этади. Жорий йилда Тошкент шаҳар қорхона ва ташкилотларига тегишли 20 та стационар оромгоҳда болалар мириқиб дам олишади. Барча оромгоҳларда маънавий ва маърифат, компьютер хоналари, кутубхона, турли тўғараклар ташкил этилиб, танқили шоир ва ёзувчилар билан учрашув, сайёҳатлар уюштирилиши белгиланган.

(Давоми 2-бетда)

## 5 июн — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофазат қилиш куни

### Кафтимизда кўкарсин боғлар

Мамлакатимизда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, экологик назоратни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Зарафшон дарёси ўрта бўғини сохилларида яшил олам барпо қилиш, табиий ўрмонларни қайта тиклаш ва боғу роглар яратиш борасида олиб борилаётган хайрли ишлар таҳсинга сазовор. Хусусан, Хатирчи Давлат ўрмон хўжалигининг сохилга туташ ҳудудларида барпо қилинаётган маданий ўрмонзорлар, боғу чорбоғлар йилдан-йилга сўлимлик касб этмоқда. Ўрмон билан қопланган майдон 1512 гектарга етказилди. 260 гектар янги боғлар барпо этилди.

— Табиатга фарзандлик мөҳри ва садокати билан ёндашиш зарур, — дейди хўжалик раҳбари Иброҳим Тўрақулов. — Жамоамизда ишловчи 41 нафар ходим билан ҳамжиҳатликда ана шу вазифани уйдлашга ҳарқат қилаётимиз. Бугун шартнома асосида ишлаш учун сафимизга қўшилиётганлар сонини

350 нафардан ошди. Сўнги йилларда ниҳоллар хатоларини тўлдириш, янги ўрмонларга ишлов бериш ишлари қарийб 700 гектарлик майдонга амалга оширилди. Бодом, ўрик, ёнғоқ, ток, шунингдек, манзарали дарахтлардан япон сапораси, каштан, шарқ туяси, сосна сингари 127 минг донга кўчат етиштиришга муваффақ бўлдик.

Сўғориладиган майдонларни текислаб, даромад манбаига айлантиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилди. Бултур 30 тонна галла, 45 тонна сабзавот, 51 тонна полиз, 366 тонна маккажўхори силоси, 90 тонна дағал хашак етиштирилди. Чорва яйловларидан унумли фойдаланиш, қурилишбоп ёғочлар тайёрлаш сердаромад соҳага айланади бормоқда.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» муҳбири

1972 йили Стокгольм шаҳрида БМТнинг атроф-муҳитга бағишланган конференциясида қабул қилинган қарорга биноан тасдиқланган Жаҳон атроф-муҳитни муҳофазат қилиш куни дунё миқёсида кенг нишонланаяпти.

## Экоҳафталикка старт берилди

Республика Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси томонидан БМТ ТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда экологик ҳафталик ўтказиш режалаштирилган бўлиб, у мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишида соғлом атроф-муҳитнинг ўрни, бу борада амалга оширилаётган кенг қамровли фаолият, экологик ҳолатнинг барқарорлашувига оид жамоатчилик хабардорлигини оширишга йўналтирилган.

«Интерконтинентал» меҳмонхонасининг мажлислар залида брифинг ташкил этилиб, экоҳафталикка старт берилди. Тадбир экологик филлар ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган эколойиҳалар тўғрисидаги эришилган ютуқлар тақдироти билан бошланди. Олий Мажлис Сенатининг аграр, сув хўжалиги масалалари ва экологик қўмитаси раис ўринбосари Х.Каримов, Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси раис ўринбосари К.Содиқов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзгидромет маркази раҳбарининг биринчи

ўринбосари, Чўлланишга қарши курашиш бўйича БМТ Конвенцияси миллий координатори Б.Қодиров, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси вакили А.Нироди, Ўзбекистон халқ артисти Н.Абдуллаева ва бошқаларнинг чиқишлари мавзуси тўлдирди.

## Экоҳафталикка старт берилди

— Самарқандга борсам, 88 ёшли онамга боқиб суюнаман. Гарчи уларнинг ёшлари бир жойга бориб қолган бўлса-да, ҳали тетик, — дейди Н.Абдуллаева. — Ва беҳтиёр ўйлаб қоламиз. Онамизни асраганимиз каби сайёрамизни, табиатимизни асрамоғимиз жоиз. Айни чоғда юртимиз узра боғроғларни яшатиш ҳаракати уюшқоқлик билан давом этаётди. Демак, эртанги кунда боғи Эрамаг қиёс ўлкамиз янада чирой очади.

Шарофат НОРКУЛОВА, «Ishonch» муҳбири

## Янги кун ангилликлари

Навоий шаҳрининг «Фарҳод» маданий саройида вилоят ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди. Унда Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоий электромеханика», «Қизилқумцемент» ОАЖ, «Навоийазот» ОАЖ, «Бахт текстиль», «Навбахор текстиль» каби унлаб йирик корхоналар маҳсулотлари сифат жиҳатидан юқори баҳоланди.

Кўрғазмада рақамли телевидение сигналлари қабул қилувчи «Set-TopBox» қурилмаси, «Шўртангаз-қўймё» мажмуасининг «Polipropilen qumilgar» шўъба корхонаси томонидан тайёрланган турли шаклдаги полипропилен қувурларига, айниқса, эътибор катта бўлди. Энг асосийси, ана шу маҳсулотлар бево-сита шу ерлик иқтидорли йигит-қизлар, ёшлар томонидан тайёрланмоқда.

«Агробанк» очик тижорат акциядорлик банкининг Марғилон шаҳар бўлимида миқозларга ҳар томонлама қўлайлик яратиш мақсадида тадбиркорлар хонаси ташкил этилди. Хона замонавий компьютер жамланмаси, телевизор, факс, ксерокопия каби тезкор алоқа воситалари ҳамда зарур ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар билан жиҳозланган. Тадбиркорлар бу ерда ўзларини қизқитирган барча саволларга жавоб топишмоқда.

Миллий банкнинг Нуробод филиалидан 212 минг АҚШ доллари миқдорига кредит олиб иш бошлаган «Шамс нур» хусусий корхонаси оёққа турди. Туман аҳолисининг 40 нафарини иш билан таъминлаган қорхона Житой технологияси асосида фаолият кўрсатмоқда. Бир ойда 450 минг донга пишган гишт ишлаб чиқараётган қорхонада янги технология олиб кирилши ҳисобига гишт ишлаб чиқариш салмоғини кўнрагига 30 минг донга-ча етказиш режалаштирилган.

Нишон пахта тозалаш очик акциядорлик жамияти раҳбарияти ташландик бинони қайта таъмирлаб, паррандачилик фермаси ташкил этди.

Ҳар кун товуқлардан 900-1000 донга тухум олинмоқда. Тухумнинг бир қисми савдо тармоқларига чиқарилса, қолгани ишчи ва хизматчиларга арзон нархда сотилмоқда. Айни кунда парранда сонини 10 мингга етказиб, янги иш ўрнилари барпо этиш тадбири қўрилмоқда.

Самарқанд вилоятидаги 2514-автожамланма жамоаси 14 мартда ўтказилган транспорт бўйича халқаро танловда ғолибликни қўлга киритди. Танловнинг «Ишбилармонликдаги устуворлиги учун» номинацияси бўйича олтин медални қўлга киритган автотранспортчилар қўллаб товар ва йўловчилар ташига иктиссослашган жамоаларни ортда қолдирди. Янги минг йиллик совринини тантанали топишириш маросими Франциянинг Париж шаҳридаги «Меридиан Этуал» меҳмонхонасида бўлиб ўтди.

● **Ижтимоий ҳимоя**

Янгийул туманидаги «Мустақил Ўзбекистоннинг 5 йиллиги» пахта тозалаш акциядорлик жамиятида меҳнат муҳофазасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Корхонанинг муҳташам биносига, кенг, сўлим ҳовлига, кийгос очилиб турган турфа хил гулларга боқиб кўз қувонади. Айтишларича, бу ерда тез-тез турли мавзудаги йиғинлар ўтказилар экан. Утган йилнинг октябр ойида жамият аҳли жаҳон миқёсидаги йирик анжуман — «6-Ўзбек пахтаси ярмаркаси»га мезбонлик қилди. Унда 70 дан зиёд мамлакатдан вакиллар иштирок этди.

● **Ҳамкорлик фаровонликка йўл очади**

— Ишчи-ходимларимизнинг ҳақ-хуқуқлари ва манфаатлари иш берувчи билан ўзаро имзоланган жамоа шартномасида тўла қафолатланган, — дейди корхона бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Элмурод Шеримбетов. — Меҳнат муҳофазаси ва техник хавфсизлик ҳамisha назоратимизда. Шунинг учун ўтган йили бирорта бахтсиз ҳодиса содир бўлмади. Ҳар бир ишчи-ходим махсус иш кийими билан таъминланган. Кунга уч маҳал иссиқ овқат ташкиллаштирилган. Барпо этилган сауна ҳам кўпчилигининг кўнглидаги хайри иш бўлди.

Жамиятда ижтимоий ҳимоя масаласига ҳам катта эътибор қаратилаётган. Жумладан, ўтган йилда кам таъминланган, кўп болали ва моддий ёрдамга муҳтож 39 нафар ишчи-ходимга 3 млн. 881 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимлардан бир киши «Бўстон» санаторийсида саломатлигини тиклади. Ишчи-ходимларнинг 95 нафар ўғил-қизи Бўстонлик туманидаги «Келажак» болалар оромгоҳида ҳордиқ чиқарди. Пахта терими мавсумида 5 нафар ёш мутахассис доимий иш билан таъминланди. Ун киши «Пахта тозалаш ИИЧБ» ҳамда Тошкент тўқимачилик ва энгил санаети институти қошидаги курсларда малакасини оширди.

Гўшт ва тухум етиштириш мақсадида корхона қошида беш мингта товуқ боқишга мўлжалланган паррандачилик фабрикаси қуриб битказилди.

Ш. НОРКУЛОВА

● **Таълим масканларида**

**Муваффақият омили**

Таълим сифатини юқори босқичга кўтариш, илгор педагогик тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш, ўқитишнинг замонавий педагогик-технологик усулларини изчил ўрганиш, таълим-тарбия соҳасидаги меъриий ҳужжатларни ўзлаштириш, тарбиявий ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида жойларда «Устоз-шогирд» мактаблари ташкил этилганлиги айна муддао бўлганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.



Боёвут туманидаги 9 та мактабда 16 нафар устозга 3 нафардан шогирд-ўқитувчи бириктирилган. Ўтган йил охирида тумандаги 40-мактабда ХТБ ҳамда таълим ва фан ходимлари бирлашган кўмитаси билан ҳамкорликда таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган 16 нафар устоз ҳамда 48 нафар шогирд иштирокида бўлиб ўтган семинарда фаоллик ва намуна кўрсатган устоз-шогирдлар муносиб рағбатлантирилди. Шунингдек, Ибн Сино номли 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори Ваҳид Махмудов «Истеъдод» жамғармасида «Устоз-шогирд мактаби» йўналиши бўйича малака ошириш курсида ўқиб келди. У ўзига бириктирилган шогирдлари билан биргаликда вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ташкил этилган 116 нафар устоз ўқитувчининг ўқув курсида машғулот олиб борди. Устоз-ўқитувчи таямми самарадорлигини янада оширишга хизмат қилувчи 25 га яқин замонавий технологияни дарс жараёнида қўллаш усуллари, янгица методлар ҳақида курсадаги слайдлардан фойдаланган ҳолда маълумот берди.

Ана шундай жонқуяр ўқитувчилар меҳнати натижаси ўлароқ, «Билимлар синови» танлови туман босқичида 1512 нафар ўқувчи иштирок этиб, 26 нафар илжият босқичига чиқди. 8

нафар ўқувчи республика босқичига йўлланма олиб, математика фанидан 41-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Нозима Қўзибоева биринчи, 30-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Ортик Жуманазаров ҳамда физика фанидан 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 7-синф ўқувчиси Жуманазар Сайфуллаев фахрли ўринларни эгаллади.

Аждодларимиз қолдирган бой меросни тиклаш ва асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилаётган бир вақтда буюқ аллома ва азиз авлиёларимизнинг илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, ёшлар онгига синдириш борасида тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Туман ХТБ тасарруфидаги муассасаларда 89 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бўлиб, шундан 56 таси мактабларда ташкил этилган.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мана, ниҳоят, барчани ҳаяжонга солиб, диёримизнинг бепоён ҳудудларини босиб ўтган поезд залворли одимлар билан вокзалга кириб келди. Бу ерда болаларни кутиб олиш учун келган мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ташқари болаларнинг пойтахтдаги яқинлари ҳам анчагина экан. Вагонлардан тушган болаларнинг дам олиш олдидан ҳис этаётган кечинмаларига шерик бўлиш мақсадида, фурсатдан фойдаланиб, улардан бир нечасини суҳбатга тордик. — Яхши келдиларингми? Кўзлари чақнаб турган



**Болалари шодон юрт**

хўжайилик Бозоргул исмли қизча: — Раҳмат. Маза қилиб атрофни томоша қилиб келдик. — Йўл чарчатмадимми? — Очиги, озорқ толиқдик. Аммо пойтахтимизни яқиндан кўриш, дам олиш иштиғи барчасини ювиб кетди. — Поездда келишимиз хордиқнинг бошланиши бўлди, — дея суҳбатимизга қўшилиди Нукус шаҳридан 6-синф ўқувчиси Исламбек Ўрозбоев. — Сафаримиз давомида юртимиздаги бунёдкорлик ишлари хавасимизни кўтирди. Оромгоҳда ўтади-

ган кунларимиз бундан-да қизиқарли бўлишига ишонаман. Негаки, дўстлар орттирамиз, ўйнаймиз... — Пойтахтимизнинг энг чиройли жойларига саёҳатлар уюштирилади... — Албатта, Мустақиллик майдонини кўришга ҳозирдан ноқошқаямман, — дейди у ҳаяжонини яшира олмади. Асадбек, Аббос, Темурбек, Гузал каби болалар ҳам ўз қувончини яшира олмади олам-олам таассуротларини сўйлай бошлади. Улар бугун яхшилаб хордиқ чиқаришгач, эртага янада зўр иштиғк

билан таассуротлар «ғамлашга», сўлим гўшаларда болаларнинг энг ширин лаҳзаларини муҳрлашга интиляди. Шундай қилиб, Тошкент шаҳридаги «Гулбахор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавсумнинг биринчи навбатида қорақалпоғистонлик 220 нафар болани қабул қилиб олди. Орзқилиб кутилган ёзги соғломлаштириш мавсуми бошланди.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири. Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар



сида ҳамшира бўлиб ишлайман, — дейди биз билан суҳбатда Раҳбархон Тўхтабоева. — Ўғлим Яёҳонни оромгоҳга кузатаяман. Ривожлантаётган организм учун тоза ҳаво, тўғри овқатланиш қанчалик муҳимлигини яхши биламиз. «Камалак»да буларнинг барчаси мўжассам, қолаверса, тарбиячиларнинг масъулиятлиги кўнглимизни хотиржам қилди.

— Йўлланма тўловининг бир қисми касаба уюшма, бир қисми бирлашманинг ижтимоий сўғуртага йўналтирилган маблағлари, қолгани ота-оналар ҳисобидан қопланаётган, — маълумот беради Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Р.Раҳматуллаев. — Бу йилги мавсумда тармоқ аззоларининг 800 нафар фарзандини соғломлаштириш режалаштирилган. Бундан 200 нафари кундузги оромгоҳларда, 600 нафари эса шаҳардан ташқаридаги масканларда хордиқ чиқаришди.

Вилоятда болажонларнинг кўнглили дам олиши учун барча шароит яратилган. Мавжуд 9 та оромгоҳга вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ватанпарварлик, она юртга садоқат, гурур-ифтихор тўйуғларини тараннум этувчи дисклар тўламини, услубий қўлланмалар етказиб берилди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан «Буюқ ва мўқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида ўтказилаётган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Энг асосий мақсад, ёзги таътилни мазмунли ва унумли ўтишига шароит яратишдир.

Шу кун «Камалак» оромгоҳидан ташқари, «Офтобча», «Тоғ шалоласи», «Норин», «Шодлик» каби жаннатмонанд гўшалар ҳам болажонларни ўз қучоғига олди. Болалар шодлиғи билан тўлган бу даргоҳлар файзи бутун юртга қувонч келтиришига ишонамиз. Зеро, боласи қулган элнинг бахти-да табассум қилажак!

Уз мухбиримиз

● **Сухбатдошимиз — Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Наманган вилояти бўйича вакили Эркинжон ҚАМБАРОВ.**

— Аззолар сонининг ошиши ҳам қувончли, ҳам масъулиятли вазифадир, — дейди Эркинжон Қамбаров. — Жорий йил бошида хусусий очиқ акциядорлик биржа банки «Трастбанк» вилоят филиали тармоқ касаба уюшмаси хизматига олинганда бунга яна бир қарра ҳис қилдик.

Мавжуд тармоқ келишувлари ҳамда уларга киритилган қўшимчалар вилоят бошқармалари ва туманларга етказилди. Мазкур ҳужжатларда белгиланган имтиёзларнинг жамоа шартномаларида ҳам акс этирилишига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда тармоқ касаба уюшмаларининг В курултойлари қарорларида белгиланган вазифаларга кўра жойларда тузилган жамоа шартномаларига асосан ходимларни сўғурталаш, сийхаттоҳ ҳамда болалар учун оромгоҳ йўлланмалари қийматининг ота-оналар тўлайдиган қисмининг 50 фоизини иш берувчи ҳисобидан қоплаш, меҳнат муҳофазасига йўналтирилган маблағларнинг аниқ мақсадлар йўлида сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, тарихий, зиёраттоҳ жойларга саёҳатлар уюштириш каби мажбуриятлар киритилди.

— **Ходим учун энг яхши рағбат иш ҳақи ҳисобланади...** — Албатта, шунинг учун тармоқ келишувларига киритилган мажбуриятларга ҳамда жойларда қабул қилинган жамоа шартномаларига асосан тармоқ ходимларига иш ҳақи ягона тариф сеткаси асосида ҳар ойнинг биринчи ва ўн олтинчи кунларида бериб берилмоқда.

Баъзан иш ҳажмининг ошиши сабаб банк ходимлари дам олиш кунларида ҳам меҳнат қилишади. Жамоа шартномасига асосан мазкур вақт учун иш

ҳақи икки ҳиссада тўланмоқда. Ишчи-хизматчилар меҳнат таътилига чиққанида бир ойлик иш ҳақи миқдорига моддий ёрдам ажратилмоқда.

— **Ҳар бир соҳанинг ривожини унда камол топаётган ёшларнинг интеллектуал саноати билан белгилади. Бу борада вилоятда қандай ишлар амалга оширилмоқда?** — Ўқув юртларида таҳсил

● **Бизнинг мусоҳаба**

йили ДАТ «Асака банк»нинг икки нафар ходими Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини битирди ва жорий ўқув йилида бир ходим грант асосида ўқишга кирди. Бунда асосий иш жойи ва иш ҳақи сақланиб қолинмоқда. Мазкур банкнинг вилоят филиали Бандликка кўмаклашиш маркази тақдим этган маълумотта асосан 7 нафар йилгит-қизни кассир лавозимига ишга олди.

Эндигина оила қурган ёшлар ҳаёт йўлининг бошида моддий, ходимларга ёрдам пуллари тўланмоқда. Хусусан, оилада битта фарзанд бўлса, энг кам иш ҳақининг 50 фоизи; 2 та фарзанд бўлса, 100 фоизи; 3 та фарзанд бўлса, 140 фоизи; 4 та фарзанд бўлса, 175 фоизи миқдорда ёрдам пули берилмоқда. Вилоят ички ишлар бошқармасида тузилган жамоа шартномасига асосан, ёлланма ходимларга мўқофот пуллари ва моддий ёрдам бериладиган бўлди. Иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам кунлари бажарилган ишлар учун икки баробар миқдорда иш ҳақи тўлаб берилмоқда. Барча ходимлар ИИВ поликлиникасида тиббий кўриқдан

ўтказилади. Ходимларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратилган. Вилоят мудофая ишлари бошқармасида ҳам жамоа шартномаси асосида моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Хавфсизлик техникасига ривож этиш устидан жамоат текшируви касаба уюшма бўжмталари ва маъмурияти томонидан амалга оширилди. Ҳимоя қилаётган резина қўлқоп ва тўшамалар лаборатория синови ўтказилди. Мудофая вазирлигининг 1996 йилдаги буйруғига асосан иш стаж ва бошқа шароитлар учун қўшимча ҳақ тўланади.

Шунингдек, корхоналарда жамоа шартномасига асосан кечки сменда ишлаётган ходимлар учун икки кун таътил берилди ва бу кунлар учун иш ҳақи сақланади. Ҳар бир ходим хавфсизлик техникаси билан таништирилиб, бу ҳақда корхоналарда журнал юритилган.

Мазкур тадбирлардан қўзланган пировард мақсадимиз ходимларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва уларнинг манфаатини тўлақонли ифодалашдир.

«Ishonch» мухбири Дилдора РАҲМОНОВА суҳбатлашди

**«Мақсадимиз буюқ**

ҳаракатларимиз ҳам шунга муносиб бўлиши керак...»

олаётган ёки ишлаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш ва манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг долзарб вазифаларида ҳисобланади. Шу мақсадда вақиллигимиз томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Нафақат ишловчи ёшларни, балки мактаб парчасида ўтирган ва келажакда касаба уюшма аъзосига айланажак ўқувчиларни ҳам рағбатлантиришни аънаанага айлантириш ниятдамыз.

Хусусан, энг кам иш ҳақига тенг миқдорда таъсис этган вақиллигимиз стипендиясига Учкўрғон тумани таъсирий ва амалий санъат лицей-интернатининг истеъдодли ўқувчиси Хомиддин Отамирзаев сазовор бўлди.

Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ходимларга шартнома пуллари тўлашга кўмак берилмоқда. Жумладан, жорий ўқув йилида АТИБ «Ипотека банк» вилоят бўлими 1 млн. 150 минг сўм ва Янгиқўрғон тумани солиқ инспекцияси 1 млн. сўм маблағни мазкур мақсадни амалга ошириш учун сарфлади.

Мутахассислар малакасини ошириш ҳам иш самарадорлигига ижобий таъсир этади. Утган

**Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Бўстонлик туманидаги «Хумо» оромгоҳида болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини муваффақиятли ўтказишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.**

Бу йил 14040 нафар болани 12 та шаҳардан ташқари стационар оромгоҳларда, 1215 нафарини эса коллеж ва мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда соғломлаштириш режалаштирилган. Оромгоҳларда болаларнинг нафақат дам олишлари, балки маънавиятларини юксалтиришлари учун ҳам эътибор қаратилмоқда. Чунончи, вилоят бирлашмаси

кенгаши томонидан оромгоҳларга 3 млн. сўмликдан зиёд адабиётлар олиб берилди. Шунингдек, Ёқилги-энергетика комплекси, кимё санаети ва геология ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан 5 та оромгоҳ 25 млн. сўмлик спорт жиҳозлари, турли адабиётлар, банерлар билан таъминланди. Фарзандларимизнинг ором-

гоҳдаги ҳар бир кун, ҳар бир соати мазмунли ўтишини ташкил этиш қанчалар аҳамиятли эканлиги ҳақида изох бериш шарт эмас. Шу босидан ҳам оромгоҳларда турли мавзуларда давра суҳбатлари уюштирилади. Уларда таниқли адабиёт, санъат намояндалари, меҳнат фахрийлари ва олимлар иштирок этишади.

Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсуми ташкилотчиларининг Фарғона вилоят семинарида вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Хўжаева мавсумга тайёргарлик ишларининг бориши, сифати хусусида маъруза қилди. Семинарда болаларни ёзги соғломлаштириш вилоят доимий комиссияси аъзолари, тасарруфида болалар оромгоҳлари бўлган корхона ва ташкилотлар, тармоқ касаба уюшма вилоят ташкилотлари раҳбарлари, ёзги болалар оромгоҳлари мутасаддилари ва масъул ходимлар иштирок этди.

Оромгоҳларда фаолият кўрсатадиган педагог кадрлар савияси, кутубхоналар, компютер хоналари, тўғарақлар ишини юқори даражада ташкил этиш, уларда соғломлаштириш ва санитария-гиғиена тадбирларини ўтказишда мутасаддилар масъулиятини ошириш масалалари жиддий муҳокама қилинди. Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари

бошлиқлари, ҳисобчилари ва шифокорлари учун алоҳида шўба ўқувлари ўтказилди, тажриба алмашши ва ҳужжатлар билан ишлаш бўйича тавсиялар берилди.

Сурайё АГЛАЕВА, Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мутахассиси

**Жарбулоқда — Самарқанддан бир юз ўттиз чақирим олисдаги бу гўшада тоғни урса талқон қиладиган ёшлар оз эмас...**

Аммо уларнинг бошини қовуштириш, фойдали юмушга жалб этишни гарданига оладиган мард ҳадеганда топилавермади. Раҳматли Худойберди Қаршиевни биринчи гал Самарқандда кўрган-ди. Ҳамкор излаётган, имкон бўлса қишлоғимиз ёшларини иш билан таъминлайдиган бирорта корхона очиб ниҳоят ҳам йўқ эмас, деганди у ўшанда. Аммо умри қисқа экан.

Ота орзуси сароб бўлиб қолмади. Эр етган ўғил падарнинг орзусини рўёбга чиқарди. Гоҳо Тошкент, гоҳо Самарқандда бўлиб, қишлоқ шариғатига мос ишлаб чиқариш йўналишини ахтарди. Бозор эҳтиёжини ўрганди.

### ● 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

# Жарбулоқ қувури

Лалмикор ер соҳиблари бўлмиш қўшрабторликларга чиндан-да осон тутиб бўлмайди. Аксарият қишлоқлар аҳолиси қудуқ сувидан фойдаланишади. Кошки, кўз ёшидек томчилувчи булоқлар қувурга солинса, одамларнинг жони ором топарди-я... Баҳодир Қаршиев ана шуларнинг барчасини инobatга олиб полиэтилен қувур ишлаб чиқаришни ташкил этишни дилига тугди. Ҳамкори Фуқрат Валибеков билан Россия технологияси асосида полиэтилен қувур ишлаб чиқариш

корхонасига асос солди. Ташкилий жараён, мижозларни топиш учун анча-мунча вақт сарфлашга тўғри келди.

— Бу йил ишларимизни изга солиб олдик, — дейди корхона иш бошқарувчиси Фуқрат Валибеков. — Мижозлар кундан кунга кўлайиб бораёпти. Қўшни вилоят, туманлардан минглаб пагона-метр полиэтилен қувурларга буюртма қабул қилаёلمиз. Буюртмага асосан турли ҳажмдаги қувурларни ишлаб чиқараёلمиз. Маҳсулотимиз сифати барчани қаноатлантираёпти.

Таъкидлаш жоиз, қўшрабторлик қувурсозлар маҳсулоти пишқ-пухталиги билан ажралиб туради. Бошқа қатор турдош корхоналарда тайёрланган полиэтилен қувурлар асосини турли салафанлар ташкил этгани боис анча чидамсиз. Аммо бу корхона ана шундай сохтакорликдан қочаяпти.

— Корхонада тайёрланган қувурлар устидан бемалол трактор ҳам юриб ўта олади, — дейди Эркин Турдимов деган мижоз.

Хозирги кунда ўн нафар жарбулоқлик йигитларни иш

билан таъминлаган ёш тадбиркор Баҳодир Қаршиев келгусида фаолият турини кенгайтириш, иш ўрнини кўпайтиришни режалаштираяпти:

— Биз ишлаб чиқараётган қувурлар аҳолига жуда асқотаяпти. Қўплаб қишлоқларда тепаликда қудуқлар қазиб, адирларда деҳқончилик қилиш одат тусини олди. Кўп харажат сарфланмайдиган бу технология лалмикор ерлар ободонлашувига хизмат қилади.

**Н. ШАМСИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

**2011 йил биринчи чорагида Жиззах вилоят адлия бошқармаси «Ишонч телефони» орқали фуқароларнинг 8 та мурожаатини қабул қилиб олди. Шу кунга қадар уларнинг 6 таси қаноатлантирилди.**

## «Ишонч телефони» ёрдам қилди

Дўстлик туманида яшовчи фуқаро М. Йўлдошевнинг вояга етмаган фарзандлари учун нафақа тайинлаш ҳақидаги аризаси маҳалла фуқаролар йиғини томонидан кўриб чиқилмаётганлиги ҳақидаги мурожаати ўрганилганда, ариза асоссиз равишда пайсалга солинаётганлиги аниқланди. Натижада бошқарма ходимлари фуқаронинг аризасини қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлаш ҳақида Дўстлик туман ҳокими номига тақдимнома киритди. Шунингдек, фуқаролар йиғини масъул котибига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича туман судига юборилди, суд қарорига асосан ҳуқуқбузарча нисбатан маъмурий жараима жазоси қўлланилди.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) билан Адлия вазирлиги ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Меморандумнинг ижроси бўйича тузилган тадбирлар режасига асосан Омбудсманнинг вилоятдаги минтақавий вакили билан 2010 йил ва 2011 йилнинг биринчи чорагида 31 та идора, муассаса ва ташкилотда фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун билан ишлаш ҳамда унга риоя этиш аҳоли, шунингдек, фуқаролардан келиб тушган 6 та шикоят ўрганиб чиқилди.

Мисол учун, Мирзачўл туманида яшовчи М.Жўраевнинг туман МТП ОАЖ томонидан иш ҳақи, ҳомиладорлик ва туғиш таътили пуллари берилмаётганлиги ҳақида Адлия вазирлигига ёзган шикоят ҳамкорликда ўрганилганда, фуқаро ОАЖда фаррош вазифасида ишлагани, 2010 йил 10 майдан ҳомиладорлик таътилига чиққани, жамият томонидан 711.768 сўм иш ҳақи, ҳомиладорлик ва туғиш таътили пуллари 2011 йил 20 январга қадар тўлаб берилмасдан келинаётганлиги аниқланиб, фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Даво суд томонидан қаноатлантирилиб, ОАЖдан фуқарога тегишли суммалар ундириб берилиши ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилди.

**Ориф ҲАСАНОВ,**  
Жиззах вилоят адлия бошқармаси  
Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси

### ● Сурхондарёдан хабарлар

## Янги иш ўринлари

Қумқўрғон туманидаги «Сурхон комбинати» МЧЖ Марказий Осиёда юқори босимли бетон қувур ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ягона корхона ҳисобланади.

Маҳсулотларга йўл, уй-жой қурилиши, ирригация-мелиорация йўналиши ва бошқа соҳаларда талаб катта. Афсуски, бошқарувдаги айрим хатоликлар туфайли корхона бирмунча вақт тўла қувват билан ишламади. Технологик ва молиявий-иқтисодий жиҳатдан ноҳор аҳволга тушиб қолди. Фаолиятни жонлантиришда 2010 йилда «Ўзсаноатқурилишбанк» Сурхондарё филиали томонидан ажратилган бир миллиард сўм кредит қўл келди. Натижада 3 миллиард сўмлик йўл-темирбетон буюмлари тайёрлашга эришилди. Шундан 2 миллиард сўмлик маҳсулот турли ҳажмдаги темир-бетон қувурларидир.

— Ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш мақсадида жорий йилнинг иккинчи чорагида корхонамиз қўшида тош, кумни ювиб, саралайдиган цех очишга ҳаракат қилаёلمиз, — дейди «Сурхон комбинати» МЧЖ бош муҳандиси Ҳурроқ Раҳмонов. — Агар цех ишга тушса, мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари 10 фоизга ошиб, яна 40 та иш ўрни яратилади.

## Элга мададкор

Деновлик тадбиркор тиббиёт ходими Баҳром Худойназаров «Агробанк»нинг туман бўлиминдан 150 миллион сўм кредит олди ва шахсий жамғармасидан 50 миллион сўм қўшиб, «Ультра диагностика» ташхис маркази очди.

— Тошкентда бўлиб ўтган савдо ярмаркасида қатнашиб, Германия ва Корея ишбилармонлари билан 103 миллион сўмлик ва 40 минг АҚШ доллари миқдоридagi ҳақон андазаларига мос тиббиёт ускуналарини сотиб олиш юзасидан шартнома имзоладик, — дейди Баҳром Худойназаров. — Яқин кунларда жиҳозлар келтирилади ва марказимизда беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланади.

## Термиз гиламлари

Термиз шаҳрида «Пўлат Алп» гилам тўкиш хусусий корхонаси очилганига анча вақт бўлди. Дастлабки пайтда хомашё билан таъминловчи доимий ҳамкорларнинг йўқлиги, малакали мутахассисларнинг камлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш бўйича мижозлар билан шартнома тузилмаганлиги боис ишда тез-тез узилишлар бўлиб турди.

Тадбиркор Пўлат Алломишев раҳбарлик қилаётган корхонада ҳозир аҳвол бутунлай бошқача. 30 нафар йигит-қиз турли хил гиламлар тўкиб чиқармоқда. Алишер Қорахоннов, Холда Ҳасанова, Мафтун Менгулова сингари хунармандлар тайёрлаётган маҳсулотлар вилоят бозорларида харидоргир.

— Ўтган йилнинг охирида «Асака банк»нинг вилоят бўлиминдан 50 миллион сўм имтиёзли кредит олгандик. Бу маблағга замонавий тўқув дастгоҳлари келтириб ўрнатилган ҳозирлик кўрпямиз, — дейди хусусий тадбиркор П. Алломишев. — Цехлар хорж асбоб-ускуналари билан жиҳозланса, иш ўринлари 10 тага, маҳсулот тури 5 тага кўпаяди ва гилам ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ошади.

## Аҳолига қўлайлик

Ишбилармон Абдусамад Ашуров раҳбарлик қилаётган «Зиёдулло-Тожиурод» МЧЖнинг 60 миллион сўм маблағи эвзасига Шўрчининг «Гулистон» маҳалласи ҳудудида мол бозори қуриб, фойдаланишга топширилди.

Маъмур бозор ҳафтанинг chorshanба кунлари фаолият кўрсатади. У қўшни Денов ва Олтинсой туманлари аҳолисига ҳам ҳар томонлама қўлайлик туғдирди.


## Сергей ва Екатерина уй қуради

«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими аҳолининг кам таъминланган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига мурувват кўрсатишда карбонбоши бўлаяпти. Ўтган йили ана шундай оилаларга 207,8 миллион сўмлик 228 бош қорамол олиб берилди.

Жорий йилда ҳам 70 та оилага бепул қорамол ҳада қилинди.

— Бундан ташқари, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими Термиз шаҳридаги ва Бойсўн туманидаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига доимо гамҳўрлик кўрсатиб келади, — дейди жамғарманинг вилоят бўлими раҳбари Эркин Кўчкинов. — У ерда вояга етиб, мустакил ҳаётга қадам қўйганлар ҳам доимий эътиборда. Масалан, ака-сингли Сергей ва Екатерина Низомоваларнинг Термиз шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалласида ўзлари учун янги уй қуриб олишларига жамғарма ҳисобидан 9,4 миллион сўм маблағ ажратилди.

**Рустам ДАВЛАТ,**  
«Ishonch» мухбири



Янгиқўрғон туманлараро ОИВ диагностика лабораториясига 17 млн. сўм маблағ сарфланиб, қайта таъмирланди. Шунингдек, бу ерга замонавий тиббий анжомлар келтирилиб, аҳолини тиббий қўриқдан ўтказишда бирмунча қўлайликлар яратилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида 3 мингдан зиёд фуқаро ОИВ бўйича тиббий қўриқдан ўтказилди.

Суратда: шифокор М.Қамбаралиев ва ҳамшира Л.Юлчибоева иш жараёнида.

Абдуносир ҚўЧҚОРОВ олган сурат

### ● Матбуот анжумани

# Жамиятнинг таянчи

Мамлакатимизда 7,7 миллиондан ошиқ оила мавжуд ва оила манфаатини ҳимоялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ҳар кунни ўнлаб ёш оилалар бу ҳисобга қўшилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 283 мингта янги никоҳ қайд этилди.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Республика Журналистлар ижодий уюмчаси, Адлия вазирлиги ҳамда «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда бу борада амалга оширилётган эзгу ишлар алоҳида таъкидланди. Тадбирда хотин-қизлар қўмиталари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг фаоллари, диний маъ-

рифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ҳуқуқшунослар, психологлар, олимлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари диққати жалқимизнинг миллий қадриятлари, оилани эъзозлашга йўналтирилган урф-одат ва маросимларни янада кенгроқ тарғиб этиш, соғлом оилани шакллантириш, оиладаги маънавий муҳитни барқарорлаштириш, соғлом муносабат-

ларни такомиллаштириш масалаларига қаратилди.

Шунингдек, анжуманда, бугунги кундаги устувор ва зарур шароит яратиш, жамиятда кечаятган барча ўзгаришларда уларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш йўлидаги имкониятлар ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш давр талаби

эканлиги таъкидлаб ўтилди. Оиланинг ҳам маънан, ҳам руҳан соғлом бўлиши кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ. У ўзининг тежамкорлиги, ишбилармонлиги, ширинсуханлиги билан оила тегирмонини тўхтовсиз ҳаракатга келтиради. Айни кунда 5 млн. хотин-қиз ўз касбига эга бўлиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида жонбозлик кўрсатмоқда. Айниқса, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида хунар-

манд тадбиркор аёллар сафи бир неча баробар ошди. Бу ҳам оилалар манфаатларига хизмат қилмоқда. Матбуот анжуманида шу каби масалалар қатори мустакил ҳаётга қадам қўйган ёш оилаларга ҳар томонлама мадад кўрсатиш, оиладаги маънавий муҳитни соғломлаштиришнинг психологик асослари, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, хотин-қизларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам маърузалар тингиланди ва муҳокама этилди.

**Амина ҚОДИРОВА,**  
«Ishonch» мухбири

### ● Кучли фуқаролик жамияти сари

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз ўтган йили БМТнинг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишлаб ўтказилган ялпи йиғилишида сўзлаган нутқида ҳам, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида тақлиф этган концепцияда ҳам фуқаролик жамиятини ривожлантириш вазифаларига алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, Концепцияда фуқаролик институтларини янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Бу миллий давлатчилигимиз ва жамиятимизнинг янада такомиллашувида янги босқич бўлиб хизмат қилади.

# Манфаатлар мувозанати

Чунончи, мавжуд барча муаммоларни давлат ҳал қилиб беришини кўтиб яшаш фуқаролик жамиятининг мазмун-моҳиятига зиддир. Бунда фуқароларнинг ўзлари ҳам фаол бўлиши лозим. Айтилди, имкониятни чекланган ногирон болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш давлат зиммасида бўлиб, бу вазифа рисоладагидек адо этилмоқда. Аммо имконияти чекланган ногирон болаларни касбга йўналтириш, иқтисодини намойён этишга қўмақлашдида фуқароларнинг ташаббускорлиги талаб этилади.

Дарҳақиқат, амалдаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, жамиятдаги камчилик ва нуқсонларни баҳамжиҳатликда бартараф

этишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни беқийс. Бугун кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, касаба уюшмалари аҳоли манфаатини ҳимоя қилиб, уларнинг жамиятдаги фаол иштирокчини таъминлаб келмоқда. Хусусан, Олий Мажлис ҳузурида жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотлар вакиллари, депутатлар, молиявий тузилмалар масъул ходимлари кирган Парламент комиссиясининг ташкил қилиниши ҳам эътиборга сазовор.

Фонд тузилганидан буён қарийб уч йил давомида фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун 11 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағи сарфлангани юқоридаги

фиқримизнинг ёрқин тасдиғидир. Парламент комиссияси томонидан, шу жумладан, Фарғона вилоятидаги кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳам турли лойиҳаларни амалга ошириши учун бюджет маблағлари ажратилди.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаши эса ислохотларни янада чуқурлаштириш учун кенг имконият яратди. Бу фуқаролик жамиятига хос бўлган қадриятлардан бири — аҳоли истак ва манфаатларини фуқаролик институтлари орқали ифода этишга эришилаётганини ҳам аниқлатади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Фарғона вилояти адлия бошқармасида рўйхатдан ўтган кўплаб

ННТлар фаолият юритиб келмоқда. Вилоятдаги касаба уюшма ташкилотлари билан ҳам ҳамкорлигимиз мустаҳкам. Касаба уюшмалари фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитни яратиб бериб, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга қўмақлашмоқда.

Бошқарма томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари, хусусан, касаба уюшмалари фаолиятига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганиб чиқилди. Соҳада вужудга келатган муаммоларни бартараф этиш, ННТ рўйхатдан ўтишини енгиллаштириш, қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан вазирликка тақлифлар бериб борилмоқда.

**Абдубанно МАДАЛИМОВ,**  
Фарғона вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

### Ўтганларнинг охираати обод бўлсин

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Қашқадарё вилояти кенгашининг жамоатчилик асосидаги раис ўринбосари **Йўлдош САИДОВНИНГ** вазифоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.



Ким ўзарга ўйнайсанми?

А. КАННАЗАРОВ (Ўза) олган сурат

Бир байрам бўлди...



Тўйнинг муборак! шiori остида бўлиб ўтган тадбирда юзлаб ёшлар қатнашди.

Кадимий ва навқирон Бухоро шаҳрининг марказий маданият ва истироҳат боғида «Ватаним, кутлуг тўйнинг муборак!» шiori остида бўлиб ўтган тадбирда юзлаб ёшлар қатнашди.

«Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Хоразм вилоятида ҳам байрамона шукуҳ, кўтаринки кайфият ҳукм сурмоқда. Муस्ताқилликимизнинг 20 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш учун халқимиз сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Зийлиларимиз истиқлол йилларида қўлга киритилган улкан ютуқлар моҳиятини ҳар бир кишининг онгу шуурига етказиш мақсадида тарғибот ишларини бошлаб юборишган. Вилоят халқ таълими тизимида ҳам қатор ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Соғлом авлод камоли

Инсон ҳаётининг мазмуни фарзандлар камолдан бошланади. Зеро, ота-она орзуси фарзандини етук инсон қилиб тарбиялаб, элга қўшишдир. Вилоятимизда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, келажак авлоднинг маънавий, жисмоний, руҳий тарбиясига, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиш юзасидан кенг қўлмалли хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина мисол, Муस्ताқиллик байрами муносабати билан вилоятда мусиқа мактаби янгидан қурилмоқда. Унга 1 миллиард 880 миллион 800 минг сўм ажратилган. 2 та мусиқа мактабини реконструкция қилишга 2 миллиард 261 миллион 600 минг сўм, шунингдек, 2 та реконструкция қилинадиган мактаб учун 1 миллиард 603 миллион 700 минг сўм, 17 та капитал таймирланган мактаб учун 3 миллиард 587 миллион 800 минг сўм маблағ ажратилган. Ҳозирда ушбу объектларда қурилиш, таъмирлаш ишлари олиб борилаётган. Ушбу қурилиш-таъмирлаш ишларига саховатли хомийлар кўмаги ҳам кўзда тутилмоқда.

Вилоятдаги таълим муассасаларида «Муस्ताқиллик боғи» ташкил этилди. Уларда битирувчи ўқувчилар томонидан гул кўчатлари, манзарали ва мевали дарахтлар экилиб, парвариш қилинмоқда. «Муस्ताқиллик — оиламиздаги давр» мавзусида давр сўхбатлари, спорт мусобақалари, ижодий кечалар уюштирилмоқда. 7-, 9-синф ўқувчи-қизлари ўртасида «Менинг оилам», «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!», «Обод юртининг овоз қизимиз» каби мавзуларда бўлиб ўтган ишловлар талонида 1485 нафар иштирокчи қатнашди. Хивалик Ирода Собирова, Омонжон Баисова, Урганч туманидан Ойдиной Абдушарипова, Урганч шаҳридан Мафтуна Рўзметова, бототлик Сумбулоя Раззоқоваларнинг ишловлари аълога баҳоланди. Муस्ताқиллик туфайли кадр топаётган бой тарихий меросимиз, урф-одат ва аъённаларимиз, бугун таърифта сиғмас даражада яшариб яшнаётган гўзал ватанимиз қизлар талқинида жуда чиройли ифодасини топган.

Шунингдек, Урганч шаҳридаги Муस्ताқиллик, Хотира майдони-га, Авесто, Жалолитдин Мангуберди боғ мажмуаларида очик саёҳат дарслари ташкил этилиб, муस्ताқиллик йилларида барпо этилган иншоотлар, қўлга киритилган ютуқ ва ўзгаришлар ҳақида ўқувчиларга маълумот берилди. 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шiori остида махсус ҳафталик ташкил этилди. Шу кўни Амир Темур номидаги истироҳат боғида катта байрам тантаналари бўлиб ўтди. Асфалтга расм чизиш бўйича танловга қатнашишга талабдор болаларнинг сон-саногини бўлмади. Хонқалик Огабек Зарипов, Фахриддин Олимбоев, урганчлик жазжи қиз Моҳикул Султонзарова танлов ғолибига айланди. Спорт мусобақалари, велосипед пойгаси, шахмат-шашка беллашуви совриндорларини ҳам аниқлаб олишди. Шу кўни кечгача ёш ва умидли санъаткорлар томонидан концерт дастурлари намойиш этилди, оммавий тайомшалари кенг тус олди. Туман марказларида ҳам болаларлар учун байрам ташкил қилиниб, уларга совғалар улашилди.

Зухраҳон РЎЗМЕТОВА, Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси бош методисти

«Ватаним, кутлуг тўйнинг муборак!»

Тадбирда сўзга чиққан вилоят тарғибот гуруҳи аъзоси, Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежи директори, сенатор Замир Адизов муस्ताқиллик йилларида мамлакатимиз ёшларининг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун яратилган шарт-шароитлар, йигит-қизларимиз маънавий дунёсини, ғовий эътиқодни, жамиятдаги ўрни тўғрисида алоҳида тўхтади.

Бошқа касб-хунар коллежларида ўтказилган ана шундай тадбирларда ҳам Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда белги-ланган олтин устувор йўналишнинг гоёси тасвирий воситалар, интерфалон усуллар, ҳаётий кундалик воқеалар билан боғланган ҳолда савол-жавоблар асосида очиб берилиши ёшларимизнинг мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, туб ўзгаришлар, истиқболли режаларни чуқурроқ англашига кўмаклашди.

И. ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ватан мадҳи

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ўзбек адабиётига ўз сози, овози билан кириб келган ижодкорлардан. Унинг асарлари ўзбекона самими-яти, миллий руҳ билан тўйинганлиги ва халқчиллиги билан кишини ҳаяжонга солади. Шеърларга халқона руҳ берган яна бир омил эса шоир ижодида халқ мақол ва ибораларининг кенг қўлланганидир:

Халқона руҳ тараннуми

Оқ йўргакка урагансан ўзинг бизни, Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни. Халқ орасида яхши фарзанд тарбиялаган ота-онага нисбатан «Фарзандини оқ ювиб, оқ тараган» ибораси ишлатилади. Шоир шу аснода Ватаннинг онадек меҳрибон эканлигини таъкидлаш билан бирга, унинг бағрида ўсган фарзандларининг ҳам яхши инсонлар эканини ўқтиради. «Бир тан-у бир жон бўлмоқ» ибораси бирдамлик маъносини ифодалайди. Иборага «бир бош»

бирикмаси қўшилиб, маънонинг янада кучайиши таъминланган: Қани ким ботиниб бир сўз айтолгай, Битта тан, битта жон, битта бош бўлинг. Ёки: Мардлари бор элнинг боши эгилмайду, Номард қони қирқ йилда ҳам қўшилмайду. Шеърларда мақоллардан ҳам кенг фойдаланган. Масалан, «Интанганга толе ёр бўлар кун бор», «Унта бўлса ўрни бошқа унингчун», «Нокас ўзи тўйса ҳам, кўзи

тўймас, дейдилар» каби. Хулоса қилиб айтганда, халқ мақол ва иборалари асрлар оша ҳар бир авлоднинг камолотида беқийс ўрин тутиб келмоқда. Уларнинг бадиият билан янада уйғунлашуви, айниқса, назмда, куй ва оханлардаги тараннуми ҳар қандай ўқувчи-ю тинловчида ифтихор туйғуларини уйғотади. Шоир шеърларининг жозибador ва жарангдорлиги ҳам балки шундадир. Марҳабо НҲМОНОВА, ЎЗМУ талабаси

Касаба уюшма спорти

Тармоқ спартакиадаси

Ёқилли-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилоят вакилиги политика институти базасида ходимлар ўртасида тармоқ спартакиадасини ташкил этди.



Бешта жамоа спортнинг волейбол, шахмат, шашка, стол тенниси турлари бўйича ўзаро беллашди. Мусобақанинг волейбол баҳсида «Жиззах электр тармоқлари»нинг Пахтакор туман жамоаси биринчи, Дўстлик нефть маҳсулотлари унитар корхонаси ҳамда «Ўзқишлоқ-қурилиш» механизациялашган жамламаси вакиллари иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритишди. Шахмат беллашувида Дўстлик нефть маҳсулотлари УК вакили Д.Нусратов, Жиззах ЭТ ОАЖ ходими А.Бурчинбоев, Жиззах нефть маҳсулотлари УК вакили И.Бурҳонов, шашка бўйича Жиззах электр тармоқлари ОАЖдан У.Алмонов, Жиззахпластмасса ОАЖдан А.Бобонов, Жиззах нефть маҳсулотлари УКдан А.Боротов фахри ўрин соҳиблари бўлди. Стол теннисида Жиззах нефтьбаза УК вакили М.Абдуваҳобов, Жиззах пластмасса ОАЖдан А.Азимов, Дўстлик нефтьбаза УК вакили А.Лутфуллаевлар

нинг қўли банд келди. Умумжамоа ҳисобида Жиззах электр тармоқлари ОАЖ биринчи, Дўстлик нефть маҳсулотлари УК иккинчи, Жиззах нефть маҳсулотлари УК учинчи ўринга кўтарилди. — Ўз сафига уч мингга яқин аъзони бирлаштирган тармоқ касаба уюшмаимизда спортга доимий эътибор қаратилган, — дейди вилоят вакили И.Ўринов. — Унинг оммавийлигини таъминлаш эса куйи босқич мусобақаларининг қандай ўтказилишига боғлиқ. Ҳафтанинг република тармоқ касаба уюшмалари спартакиадасида қатнашиб, вилоят шарафини ҳимоя қилишди. Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Ҳаяжонли баҳслар

Қарши шаҳрида Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Қашқадарё вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими педагог-ҳодимлари ўртасида V анъанавий спартакиада бўлиб ўтди.

Дастлаб таълим муассасаларида, сўнгра, туманлар миқёсида сараланган спортсевар педагоглар воҳа марказига ййғилишди.

Стритбол баҳсларида Қарши педагогика касб-хунар коллежи жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, деҳқонободликлар иккинчи, Қарши тумани учинчи погонани банд этди. Стол тенниси бўйича ҳам Қарши шаҳри вакиллари Шоҳруҳ Шодмонов ва Гулнора Тураевага тенг келадиган рақиб топилмади.

Аёлларнинг шахмат мусобақасида қосонлик Чарос Эргашева, эркаклар ўртасида эса шаҳрисабзлик Тўлқин Примов ғолиб бўлди. Шашкадан қосонлик Неймат Раҳматуллаев ва Қамаш туманидан Рўқия Қўзиёева бош мукофот соҳиб бўлган бўлса, армрестлинг бўйича яқкабоғлик Юсуф полвон Очиллов тенгсиз эканлигини тасдиқлаб олди.

Ҳаяжонга бой тарзда ўтган арқон тортиш баҳсларида Қарши шаҳри жамоаси биринчи, Қосон ва Чирокчи тумани вакиллари кейинги ўринларни эгаллашди.

Умумжамоа ҳисобида Қарши шаҳри, Қосон, Қамаш жамоалари қўли учликни ташкил қилишди. — Ҳафтанинг ҳар шанбаси таълим муассасамизда «Баркамол авлод кўни» деб эълон қилинган. Шу кўни барча устоз ва ўқувчилар спорт билан шуғулланишди, — деди биз билан суҳбатда Шаҳрисабз хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқитувчиси Азиз Баротов. — Ўтган йили стол тенниси бўйича ғолиб бўлгандим. Бу йилги баҳсларга барча коллежларда яхши тайёргарлик кўришгани яққол кўзга ташланди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Бўш вақт — ҳуш вақт

Таълим ва фан ходимлари Хазорасп-туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси тасарруфидда 102 ташкилот бўлиб, уларда 6215 нафар соҳа ходимлари фаолият кўрсатмоқда. Бирлашган кўмитамиз томонидан аъзоларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар доимий равишда амалга ошириб келинмоқда.

Тупроққалъа ҳудуди туманининг энг чеккаси ҳисобланиб, Қизилқум бағрида жойлашган. Бу ерда 6 та умумтаълим мактаби, 4 та мактабга-ча таълим муассасаси ва 1 та спорт мажмуаси бўлиб, уларда 449 нафар касаба уюшма аъзоси меҳнат қиладди. Режаимиздаги аъзоларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилишга қаратилган қатор бандлар ижроси тўлақонли бажарилиши учун ҳаракат қилмоқдамиз. Жамоа шартномаларига изчил амал қилиниши доимий назоратимизда. Тарихий шаҳарларга саёҳатлар ташкил қилиш, маданий-маърифий тадбирлар уюштиришга ҳам алоҳида



эътибор қаратилади. Яқинда шу элнинг сеvimли фарзанди Нурдилла Нурманов хотирасига бағишланган спартакиада ташкил қилинди. Спартакиадада Тупроққалъадаги умумтаълим мактабларида хизмат қил-ётган касаба уюшма аъзолари иштирок этишди. Иштирокчилар спортнинг тўрт тури: волейбол, стол тенниси, шашка ва улоқ чопиш бўйича ўзаро куч синашди. Қизгин баҳсларда ғолиблик волейболда 11-мактаб, стол теннисида 14-мактаб, шашкада 13-мактаб жамоасига насиб қилди. Улоқ чопишда эса 14-мактаб вакили Рашид Курбандурдиев ўзини устунилигини намойиш қилди. Жаҳонгир ШЕХОВ, Таълим ва фан ходимлари Хазорасп туман бирлашган кўмитаси раиси

Сиз нима дейсиз?

Уволдан сақланайлик

Бугун телевизорда, кўча рекламаларида «Янада кўпроқ» сўзлашишга имкон берадиган мулоқотнинг янги тарифлари ҳақидаги эълонларни кузатмоқдамиз. Ён-веримизда ҳам, «Бор-йўғи фалон цент-ку», «Маники VIP, гаплашамиз», — деган ибораларни кўп эшитя-миз. Сўзлашишнинг арзон ва қулайликларга эга бўлган таклифларининг бўлиши яхши, албатта. Буларнинг барчасида истёмоқчилларга энгиллик яратиш истаги ҳукмрон. Бироқ масала-нинг оғрикли нуктаси бор. Бундай «зўр-зўр» таъриф-лар бизни уяли телефон маҳсулотига шунчалар боғ-лаб қўймоқдаки, натижада соатлаб заруратсиз мулоқотлар, ахлоққа, этикамизга энд шармсиз суратлар тур-ли уйинлар ҳар биримизнинг хонадони-

мизга кириб келаётир. Европа давлатларида бундай эса, бунини қарангки, ўз аҳолисини вайсақи бўлиб қолишдан сақлаш мақсадида телефон қўнғироқлари нархининг юқори баҳоланиши белгилаб қўйилган экан. Лекин бундай чек-ловнинг ҳам тўғри эмаслигини бил-ламиз. Мақсадга эришмоқ йўлида чекловларсиз ҳам мувозанатни сақлаш мумкин. Мисол келти-ришдан мурдуба шуки, бу ҳолат келажакда дунё ми-қёсида муҳим муаммага айланиши ҳам ҳеч гап эмас. Ахир буюк дониш-мандлар ҳам камгаплик, сукутни афзал билганлар. Кўп сўзлаш, кераксиз иш соатлаб заруратсиз мулоқотлар, ахлоққа, этикамизга энд шармсиз суратлар тур-ли уйинлар ҳар биримизнинг хонадо-ни билан машғул бўлиши сўз ва вақтнинг уволи демакдир. Озода САРАФРОЗ

Advertisement for 'Insonga naf keltirish' (Beneficial to people) featuring 'Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi', 'Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov', 'Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Davud MADIYEV', 'Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti, Huquq va xalqaro hayot, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash, Reklama va e'lonlar', 'Manzimiziz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy', 'Nashr ko'rsatkichi: 133', 'Navbatchi muharrir: A.Qodirova', 'Musahhih: N. Maxamov', 'Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullilov', 'Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.', '«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. Muassiflar fikri ta'biyiyat nuzul nazardan tarkibini mustahkam.', 'O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.', 'Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma toboq.', 'Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 00.10.', 'Bjuyortma T — 651', '19766 nusxada bosildi', '1 2 4 5'